

ҚОНУНЧИЛИҚДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хотамжонов Отабек Улуғбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси 3 - ўқув
курси 307- гуруҳ курсанти*

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда қонунчиликка киритилган ўзгартиришларнинг ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил қилинган.*

Таянч тушунчалар: *Ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарлик профилактикаси турлари, шакллари, ғайриижтимоий хулқ–атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, профилактика суҳбати*

Ўзбекистон Республикаси ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган иккинчи бўлимнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар»га бағишланган 7-бобида келтирилган «Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас», « Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга ва Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади», «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»¹.

Ушбу қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган янги Конституциянинг талабларини бажаришда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 2-моддасида:

биринчидан, шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // URL: <http://www.lex.uz>.

давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш;

иккинчидан, жиноятларнинг олдини олиш;

учинчидан, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш унинг асосий вазифалари қилиб белгиланган.

Жиноят Кодексининг махсус қисми нормалари билан жиноят деб кўрсатилган қилмиш учун жазонинг белгиланганлиги тўғридан-тўғри шахсларни бундай жиноий қилмишларни содир этишдан ушлаб туради. Тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш қанчалик юқори даражада бўлса жиноят Кодекс нормаларининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича самараси шунча юқори бўлади.

Айтиш жоизки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш»да жиноятчиликка қарши курашишга барча давлат органлари жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳаракат қилишини таъминлади, шундай экан биз Конституциямиз учинчи бўлимининг «Жамоат бирлашмалари» деб номланувчи XIII бобидаги моддалар фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмаларининг мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалардан ташкил топган. Энг муҳими, Конституциямизда фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги принциплари белгиланган.

Ана шу конституциявий нормаларни амалда қўллаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

Қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконни янада кенгайтириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим вазифалар ижроси доирасида амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди ва натижада 2018 йил 12 апрель куни бугунги давр талабларидан келиб чиқадиган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»²ги қонун билан давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида миллий ҳуқуқ тизимимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш долзарб эканлиги маълум бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги 2014 йил 14 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги 2011 йил 5 октябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.
5. Номусга тегиш жиноятини тергов қилиш амалиёти: Ўқув-методик қўлланма / Ш.Т. Икрамов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 80 б.
6. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш таҳлил қилиш ва бартараф этиш : Ўқув қўлланма Республикаси ИИВ Академияси, 2017- йил .

² Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни / (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон)